







Кутлаймиз!

ФАЙРАТЛИ ЙИГИТ

Ислон ака тез гапирди. Биринчи гаплашган одам айрим гапларини илгамай ҳам қолиши мумкин. Лекин, синашта одам у нафақат тез гапирши, балки тез юриши, тез ишлашини, умуман, тез фикрлашини билиб олади.

Журналист бўлиб китобини нашр эттирганлар бармоқ билан санарли. Бечора мухбир чиққан мақоласига қувониб ўтиб кетади. Ислон ака эса ундай эмас. Яхши асарларини йиғиб, китоб қилади. Ҳозир ўнга яқин китоблари ўқувчилар қўлига етиб борди. Улардан бирига "Шарқ" нашриётида ўзим муҳаррирлик қилдим. Ҳафсалали, қўнгли деб шундай одамларни айтса керак-да.



Ахрор АХМЕДОВ

Ҳа, биз қатор йиллар "Туркистон" ("Еш ленинчи") тахририятида бирга ишлаганимиз. Жамомиз жуда аҳил, ижодкор эди. Газетанинг ҳар бир сониди албатта ўқиладиган, "гап бўладиган", "мих" мақола бўларди. Ана шундай михларнинг кўпини Ислон ака "қоққан". Умуман Ислон Усмонови Ислон Усмонов килиб танилган ҳам "Туркистон"дир.

Ислон ака кўп ёзарди. Эринмасди. Машинадан чиққан янги мақоласини устидан ўқиганда, ё таҳрир қилганда, рўчка билан тузатмайди. Машиналда ўша битта ҳарфи ё сўми, ёиб келиб худди операция қилаётган

Бундан ташқари Ислон ака кўп ёзарди. Эринмасди. Машинадан чиққан янги мақоласини устидан ўқиганда, ё таҳрир қилганда, рўчка билан тузатмайди. Машиналда ўша битта ҳарфи ё сўми, ёиб келиб худди операция қилаётган

Миллионлар қўйини КИЧИК "КАРВОН" ЙЎЛГА ТУШДИ

Куни кеча республикамизнинг 10 та шахрида биринчи табақа жамоалари VII миллий чемпионатининг байрогини кўтардилар. Майдонларда зўр тантана ва ҳақиқий футбол баҳори бошланди. Энди яшил майсалар узра яшилдек шиддат ила ўйинчилар "учадилар". Юртимиз доврўгини дунёга дoston қилаётган миллий терма жамоаларимизнинг таянч нуқтаси олий табақа жамоалари бўлса, ўз навбатида биринчи лига "олий"нинг тиргаги ҳисобланади. Тўғри, ўтган йили олий табақада иштирок этаётган жамоаларда ўринбосарларни таркиб топтириш ва улар ўртадаги мусобақани мунтазам равишда ўтказилиши ҳақидаги қарордан сўнг биринчи табақада ўйинларнинг бироз савияси тушгандай, жамоалар кучсизланиб қолгандай эди. Чунки "биринчи" жамоадаги акарият иқтидорли ўйинчилар олий табақанинг ўринбосарлари сафига "тортиб" олинди. Бироқ, бу йил "талофат"нинг оқибати тугатилди -- "кетганлар" ўрни ёш, умидли (бўлажак) "юлдузлар" билан тўлдирилди. Бунинг устига ўтган мавсумда

"олий"дан "қулаган" "Янгиер", "Самарқанд" (аввалги "Афросиёб"), "Атласчи", "Чилонзор" жамоалари биринчи табақанинг бошини (илинчи йил) банд этиб туришибди. Қолаверса, 1997 йилнинг кузида "жўжасини санай олмаган" "Истиклол", "Кимёгар", "Шахрихон", "Машғал" сингари жамоаларнинг ҳам "иштақаси карнай", мақсад эса битта -- "Олий..."

"Тадбиркор" (Урганч) 2:1 "Роҳат" (Қўйраб) -- "Хива" (Хива) 0:1 "Орол" (Нукус) -- "Шўртан" (Фўзор) 2:1 "Ситора" (Бухоро) -- "Шўрчи" (Шўрчи) 0:1 "Шахрихон" (Шахрихон) -- "Қизилқум" (Зарафшон) 1:2 "Цементчи" (Кувасой) -- "Машғал" (Муборак) 2:2 "Янгиер" (Янгиер) -- "Истиклол" (Тошкент) 6:0 "Гулистон" (Гулистон) -- "Лочин" (Зангиота) 0:1 "Самарқанд" (Самарқанд) -- "Тўқимачи" (Фаргона) 4:1 "Чилонзор" (Тошкент) -- "Атласчи" (Марғилон) 0:2

Барча жамоаларга янги мавсумда омад тилаб, биринчи тур натижалари билан таништирамиз. «Кимёгар» (Чирчиқ) --

Table with 7 columns: Team, Y, Yu, D, M, T-N, O. Lists 16 teams and their scores.

Абдулазиз РАЙМОВ, «Туркистон» мухбири.

Спорт оламида ЭШИТДИНГИЗМИ?

Наврўз шодиёналари арафасида гаетхонлар, спорт ишқибозлари қўлига янги нашр -- "TENNIS+"нинг нишона сони теги.

Яқинда Ўзбекистон таэквандо (ИТФ)чилари Польшада мазкур юрт вакиллари билан ўртоқлик учрашувини ўтказиб, умумжамоа ҳисобида голиб бўлишди. Қ.Ибрагимов, И.Шомансуров, Э.Нурохонов сингари йиғитларимизнинг жанглари мазбонларда, мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

БОКС бўйича терма жамоамиз куни кеча Бангкок шахрига учиб кетди. У ерда вақиларимиз анғанавий турнир -- "Тайланд қирли кубоги"да иштирок этадилар.

Тошкент шахар Мирзо Улуғбек туманидаги "Ганч Полиграфик" фирмаси тугатилмоқда. Даъволар бир ой мобайнида қабул қилинади. (Газетанинг навбатдаги сони 11 апрелда чиқади.)

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ. Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ. Навбатчи муҳаррир: Гулнара ХОЛБЕКОВА.

Қурбон хайитинингиз муборақ!

Уч кун давом этадиган ва нишонланадиган ийд Рамазон, Қурбон хайитлари мусулмон оламида кўтуғ ва энг муқаддас саналади. Чунки бу шарофатли кунларда халқимизнинг асрий анъаналари, урф-одатлари ўзининг бор мукамаллиги, бетакорлиги, фақат ўзимизгагина хослиги билан намоён бўлади. Аввало, хайит кунларида бутун олам одатдагидан ҳам гўзалроқ, меҳр-муҳаббат ардолари эрқаланаётгандек туюлади. Одамлар бир-бирларига фақат табассум би-



СИЗГА БИР ГАП АЙТАМАН...

лан боқишади. Гап-сўзлар ҳам илиқ ва самимий. Бошқа кунлари иш ва рўзгор юмушлари билан банд бўлса-да, хайитда кекса ота-оналаримизни, қариндош-уруғларимизни зиёрат қилишга отланамиз. Ўтганлар руҳига дуо айлаймиз. Бемор ётган дугона-миз ёхуд қўшимиз ҳам эътибордан четда қолмайди. Шуларни ўйларканман, беихтиёр болалик йилларимизга қайтаман. Хайитни биз жуда соғиниб, интиқлик билан кутардик. Хайит куни қиядиган янги кўйлақларимизга термулиб, тун бўйи ухламасдик, ҳисоб. Эрта тонгда эса ясаниб-тусаниб, тўп-тўп бўлиб бозор бошига жўнардик. У ерда турли-туман томошқорлар, бунинг бор пулимизга яраша нарсалар харид қилиб, уйга қайтардик. Йўл-йўлакай янги келин тушган хонадонларга бош суқиб, бир-биридан гўзал келинчақлар қўлидан бир пиёла чой ичардик.

Хар тонг мен сени кузатиб қўяр эдим: гулга тўлган боғ, бир чеккаси катта йўлга тутшиб кетади, йўлнинг нариги ёғи кичкинагина йўлакдан темир йўл чорраҳасини кесиб ўтилади-ю, салгина юргач, олийгоҳ биноси кўриниб туради. Бу сенинг манзилдинг эди.

Армон

«ҲАР БАҲОРДА ЭСЛАНГ МЕНИ»

Сенинг шололадек кулгуларинг эмас, адоги йўқ ғамалам ўраб олгандек. Сента ҳамминг ҳаваси келарди, сен ўз устозларингга, дўстларинг эса сента ўхшашга уринар эди. Сенинг ҳар бир ҳаракатинг хислатларингдан ўзгача бир ҳаё

ғилиб турарди. Қизгинам, сени катта мақсад билан йўлга чиққан карвонга қиёслагим келарди. Оруларинг шу қадар кўп, эзгу мақсадларинг шунчалар улкан эдики, афсуским, қарвонинг йўлда қоқилди, манзилга эса ҳали бор эди.

Бир кутлуг таскин шул, бу қарвонни дўстларинг, уқанг Шерзодбек, ҳар куни сура-тингни чизиб, хаёлида кашф қилаётган жиянинг Хушнудбек, дуо-ю-фотиҳангни қилаётган маҳалланг нуруний бо-болари моمولари ёруғ манзилга етказгуси. Охиратинг обод бўлсин. Мушфиқ онаизоринг...

Ҳодичахон АХМЕДОВА, Андижон вилояти

ҲАЛАЙДАН ЁДГОР БЎЛИБ ҚОЛГАН ШЕЪРЛАРДАН

Менинг орзуларим мисли лочин қуш, Ҳаял осмонда чарх уриб учар. Гоҳ тўлаб ва тошиб, гоҳ бўлиб сархуш, Умид дунёсида юлдузни қучар. Онамга сўзайман орзуларимни, Онам дер: "Китобдир орзу тираги. Билимга иштиблиб яшамок, қизим, Инсоният бахти, эзгу тилаги!"

СЎНГИ ҚЎНҒИРОҚДАН СЎНГ

Мана йўлга тушдик, дўстлар, Аста-секин ажралишиб. Кетар чоғи бир-бир қучиб, Меҳримизни улашиб. Аиз дўстлар, унутмангиз Ҳазалидек дўстингиз. Ҳар баҳорда эсланг мени Чечак оҳса қўнглингиз.

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Қозғоғистонда қолаёиз, тўла куч билан олишув кураши бўйича профессионал спортчилар ўртасида Европое оқиқ чемпионати ниҳоясига етди. Бу турнирда Ўзбекистондан Тошкентдаги "Биллур" клубининг уч спортчиси - Шавкат Уроқов, Акмал Ақромов ва Владислав Резник иштирок этди.

Спортиларимизнинг барчаси юртимизга медал билан қайтди. Вазни 85 килограммгача бўлган спортчилар орасида Шавкат Уроқов чемпион бўлди. Акмал Ақромов шу тоифада 3-ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди.

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҲАМАЛ. Душанбада ишлаш учун қулайлик туғлади. Ишингиздаги бетартиблик ва бетайинлик ижодингизга ҳалақит беради. САВР. Ҳафтанинг бошларида ишингиз юришмаслиги мумкин. Харажатага тугасиз. Пайшанба ва Жумада шартномалар тузишда омаднингиз келади. ЖАЗВО. Бу ҳафта сизда руҳан чарчоқлик, зиддиятлар сезилади. Режадаги сафарни бекор қилинг. САРАТОН. Душанба ва чоршанбада ишингиз бароридан келади. Сешанба, пайшанба, жума кунлари ижодингизга тегишли масалалар ҳал бўлади. АСАД. Кутилмаган қийинчиликлардан режаларингиз бузилсини мумкин. Катта ҳаражати битимларга шошилманг. СУМБУЛА. Ҳафтанинг бошида дўстларингиздан яхши маслаҳат оласиз, бошқиларингиз қўлаб-қувватлайди. МЭЗОН. Ички ҳиссиётингизга ишонинг. Натijasи чакки бўлмайди. Лаво-

зингиз оишини мумкин. Ҳафтанинг охиридаги ажойиб саргузаштларга тайёр бўлинг. АҚРАБ. Эски муаммолар бошингизни қотириб қўяди. Ижодингиз гуллайдиган. Чоршанба ва жумада кутилмаган ўзааришларга дуч келишингиз мумкин. ҚАВС. Оилавий масалаларда муаммолар туғилиши мумкин. Дам олиш кунинда чиқимдор бўлишингиз ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. ЖАДЪИ. Шахсий муаммоларингиз ҳал бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса кайфиятингиз бироз тушини мумкин. ДАЛВ. Саломатлигингиз тўғрисида қайғуринг. Кўчмас мулкнингизни сотишга шошилманг. ХУТ. Ҳафтанинг биринчи ярмида ўзингизни зиддиятга ҳолатлардан нари тушинг. Пайшанбада дўстларингиз эътибори, муруватига сазовор бўласиз, орзуларингиз амалга ошад.

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона — 136-56-58, 133-95-97. Ҳафтуб бўлими — 136-54-64. Тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, хиройа ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48. МАҢЗИЛИМИЗ: 700003 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Нашр кўрсаткичи 64807. Муаллифлар фикри тахрирнинг нуқтани назоридан фарқлиниши мумкин. Дизайн устаси: DeathMaker